ТИЛ ВА КОММУНИКАЦИЯ МУТАНОСИБЛИГИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ

Равшонбек Худайберган ўғли Худайберганов
Тошкент давлат транспорт университети доценти
paradigma777@bk.ru

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада тил ва коммуникация мутаносиблигининг ижтимоий-фалсафий асослари замонавий тил фалсафасининг ажралмас қисми сифатида таҳлил қилинган. Тил фалсафасининг назарий жиҳатлари, шу жумладан тилнинг концептуал асослари ва унинг ижтимоий муносабатлар билан ўзаро алоқаси ҳам ёритилган.

Калит сўзлар: Тил фалсафаси, коммуникация, фалсафий-методологик, креатив, ахборот-коммуникатив, методология, семиотика.

SOCIO-PHILOSOPHICAL BASIS OF LANGUAGE AND COMMUNICATION BALANCE

Ravshonbek Khudaybergan ogli Khudayberganov
Associate Professor of Tashkent State Transport University
paradigma777@bk.ru

ABSTRACT

In this paper, the socio-philosophical principles of the relationship between language and communication are analyzed as an integral part of modern language philosophy. The theoretical aspects of the philosophy of language are also covered, including the conceptual foundations of language and its interrelationship with social relations.

Keywords: Philosophy of language, communication, philosophical-methodological, creative, information-communicative, methodology, semiotics.

КИРИШ

Тилнинг моҳиятини фалсафий тушуниш ва тушунтириш фандаги энг мураккаб, муаммолардан биридир. Шу боис ўтган давр мабойнида тил назарияси ва тил фалсафасини ўрганиш фалафа ва фаннинг фундаментал соҳалардан бири бўлиб қолмоқда. Зеро, тилнинг фалсафий-методологик жиҳатларини илмий-

назарий ўганиш, тилга мурожат қилиш ҳар қандай онтология ва билиш назариясининг универсал таркибий қисми билан белгиланади. Тил муаммосининг бугунги кунда тилшунослик, лингофалсафий, семиотик, маданий ва назарий каби йўналишлари тил ва коммуникация мутаносиблигининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, замонавий фанда тилни фалсафий таҳлил қилиш, тил фалсафасининг герменевтик жиҳатларини ўрганишни ифода этади. Бу эса тил таҳлилини иккита жиҳатдан ўрганишга имкон беради. Биринчидан, тил аналитикасини ўрганиш фалсафий муаммо сифатида муҳим аҳамият касб этса, иккиндичан, герменевтик жиҳатдан тил мулоқат тизимининг ўзига хос тушуниш ва тушунтириш хусусиятларини ифода этади. Шунингдек, тил фалсафасини классик тушуниш ва тушунтириш муҳим аҳамият касб этади. Айрим илмий тадқиқотларда тил инсоннинг креатив фикрлашининг онтологик ва лингвистик жиҳатлари тадбиқ этилган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Фалсафий тадқиқотларда тил муаммоси, генезиси, турли тарихий даврларда тил моҳиятини аниқлашдаги ёндашувларда ўз ифодасини топган. Масалан, тарихий-фалсафий йўналишда фикр юритган Г.Гегель, В.Гумбольдт, Р.Декарт, И.Кант, В.Лейбниц, Дж.Локк ва бошқа шу каби файласуфларнинг тадқиқотларида тилнинг фалсафий тамойиллари, унинг эволюцион ривожи ўз аксини топган[Радченко О.А. 2006. С. 312].

Бу тадқиқотлардан маълум бўладики, тил муаммоларига янгича ёндашув учун ижтимоий онгда чуқур ўзгаришлар бўлиши талаб этилади. Ваҳоланки, тилни психофизиологик фаолият маҳсули сифатида тасаввур қилиш, уни ижтимоий-психологик жиҳатдан тушунишга сабаб бўлди. Инсоният тарихи, хусусан тилининг ривожланиши жараёнида бу ҳолат жуда ҳам аниқ равишда намоён бўлади.

Ижтимоий-психологик йўналишда тадқиқот олиб борган Г.Г.Шпет, К.Э.Штайн каби олимлар ишларида тил ва онг, тил ва тафаккурнинг ўзаро муносабатида этник ва психологик контекстли масалалар ўз аксини топган[Шпет Г.Г. 2000. С. 157., Штайн К.Э. 2001. С. 314–318]. Зеро, тилни ижтимоий ҳодиса сифатида характерлаш – унинг фарқли белгилари, функциялари ва хусусиятларини топиш демакдир. Шунинг учун ҳам “Улар,- деб ёзади А.А.Потебня - тилни ижтимоий ҳодисаларга мансублигини жуда аниқ кўрсатиши керак”[Юрченко В.С. 2000. С. 366].

Бизнингча, тилнинг ижтимоий ва маданий омилларга боғлиқлиги унинг социологик спецификасини ўрганишда ёрқин намоён бўлади. Тилнинг ижтимоий табиатини, унинг жамиятдаги роли ва ижтимоийлашувини Э.Бенвенист, Ж.Вандриес, Ф.Де Соссюр каби олимлар томонидан ўрганилган. Мазкур олимлар қарашларида тил бу тушуниш ва мулоқат қилувчи омил сифатида эътироф этилади.

Коммуникацион жараёнларни ижтимоий билиш, тил ва тил орқали мулоқот қилиш, фикр юритиш уларнинг ижтимоий мақоми ва этник мансублиги каби ижтимоий омилларини ифода этади. Ижтимоий муносабатларда тилни коммуникацион нуқтаи-назардан ўрганган А.Ю.Антоновский, Н.Д.Артюнова, Т.А.ВанДейка ва Р.Демерсларнинг ишларида ўз аксини топган[Луман Н. 2005. С. 280., Т.А. Ван Дейк. 1989. С. 111-160].

Фикримизча, мазкур олимлар тилнинг амалий фаолиятини таҳлил қиладилар. Бунда тилни мавҳум белгили тизим сифатида эмас, балки ижтимоий муҳит билан ўзаро алоқадорликда ўрганиш доирасини кенгайтириш зарурати пайдо бўлди. Шунинг учун ҳам тилни ахборот-коммуникатив тизим сифатида тушуниш учун тилнинг ижтимоий моҳиятини, тилнинг мулоқат механизмида ижтимоий маданий омиллар таъсирини, инсоннинг коммуникатив фаолияти жараёнида тилнинг, шунингдек инсон омилининг ролини аниқлаш муҳим ҳисобланади.

НАТИЖАЛАР

Бугунги кунда тил таҳлилига ёндашувлар, илмий ва фалсафий методологиянинг эҳтиёжлари билан доимий равишда янгиланиб туради. Хусусан, тилнинг аналитик фалсафий жиҳатлари, математик ва семантик мантиқда илмий тадқиқот методологиясининг фалсафий-тарихий усулларига қараб ривожланди. Кейинчалик диалектик тамойиллар асосида тилни фалсафий таҳлил қилиш илмий муаммоларига айланди.

Шу маънода тилнинг лингвистик воқелик сифатида тушуниш, аналитик ва синтетик жараёнлар ўртасидаги муносабатларнинг дикотомик усулига оид маълумотларни тадбиқ қилиш тақоза этмоқда. Зеро, “Тил фалсафаси тил тарихи ва тилшуносликнинг умумилмий ғояларини ўзида акс эттирган билимлар тизимидир” дейилади[Юрченко В.С. 2008. С. 368].

Дарҳақиқат, Ғарб фалсафий йўналишлар асосининг ҳилма-хиллигини уларнинг тадқиқот доираси ва ёндашув хусусиятларининг ўзига хослигида акс этган. Яъни, бир файласуф фалсафани илмий тизим сифатида, яъни бири эстетик

ёки ахлоқий-амалий билимлар мажмуаси сифатида тадқиқ этмоқда. Бунда тилнинг яратувчанлик модели дескриптив ғояларнинг нутқий мулоқат қилишга асосланади. Чунки, тил ва коммуникациялар мутаносиблиги жамият ҳаётининг барча соҳаларида амал қилади ва ижтимоий тараққиётнинг йўналиш динамикасини белгилашга хизмат қилади.

МУҲОКАМА

Тил ва коммуникация жараёнларининг мутаносиблиги, тилнинг муайян масалаларни эмас, тил ва тиллар шаклларини эмас, балки тил ва инсон, тил ва миллат, тил ва жамият, тил ва ҳокимият, тил ва сиёсат ҳамда уларнинг ўзаро таъсири ва алоқасининг энг умумий қонунларини ўрганади. Бу борада, Қ. Хоназаров, “Тил фалсафаси тилга тегишли жузъий масалаларни эмас, муайян тиллар ва тил шаклларини эмас, балки тил ва миллат, тил ва хокимият, тил ва инсон, тил ва сиёсат, тил ва жамият, сиёсат ва тилнинг ўзаро боғлиқлиги, ўзаро таъсири ва алоқасининг энг умумий қонун ва қоидаларини ўрганади, таҳлил қилади, ифодалайди ва таъриф беради”[Хоназаров Қ. 2009. б. 14] дея таъкидлайди.

Бинобарин, бу ижтимоий-сиёсий жиҳатдан эмас, балки умумбашарий қадриятлар, жаҳон маданияти ривожланиши нуқтаи назаридан тадбиқ этилади. Зеро, тил фалсафаси – тилнинг умумий назарияси, социология, сиёсатшунослик, этика, фалсафий антропология йўналишлари билан боғлиқ. Хусусан, тил фалсафаси бу – моҳиятан жамият маданий тараққиётида тилнинг тутган ўрни ва вазифасини тадқиқ этувчи соҳа сифатида талқин этилади[Тимофеева М. К. 2009. С. 176].

Умуман олган, тил фалсафаси бу тил ривожини ўрганишда мантиқий, психологик, тил социологияси ютуқларига таянган равишда шаклланган фалсафий билимлар тизимидир. Бу хусусда, Қ.Хоназаров, “Лисоний воқеликни онтологик, гносеологик, аксеологик, праксеологик нуқтаи-назардан таҳлил қилиш, тил фалсафаси деб аталади”[Хоназаров Қ. 2009. б. 17], - деб ёзади.

Фикримизча, тил фалсафаси, фалсафа билан тилшунослик орасидаги фан эканлиги шубҳасиз. Тил фалсафаси – тилнинг “илдизлари”ни, унинг асосларини, тил билан боғлиқ барча воқеа ва ҳодисаларни тадқиқ этади. Тил фалсафаси оламни билишда замин пойдевор бўлиб, муаммолар ва тушунчалар муҳитига олиб киради.

ХУЛОСА

Хуллас, ҳар қандай таълимот фан даражасида ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Улар кекса авлод томонидан яратилиб, кейинги авлодга қолдирилади. Бу авлод ҳам ривожлантириб, такомиллаштириб келажак сари йўллайди. Шу тариқа ворисийлик таъминланиб, ҳар бир фан ривожланиб, мукаммаллашиб, юксалиб боради. Тил фалсафаси ҳам ҳудди шу тартибда ривожланиб, турли концептуал ёндашувларни юзага келтиради.

Хусусан, тилнинг ижтимоий-коммуникатив жиҳатларини фалсафий таҳлил қилиш, илмий ва ижтимоий-маданий муаммоларининг ўзига хос аҳамиятини белгилайди. Тилнинг коммуникатив механизмлари тадбиқ этилади.

REFERENCES

1. Радченко О.А. Язык как миросозидание: Лингвофилософская концепция неогумбольдтианства. Серия "История лингвофилософской мысли". Изд.3, стереот. – М.: Эдиториал УРСС, 2006. - 312 с.
2. Khudayberganov R.X. Socio-philosophical analysis of human death: interpretation of clinical and biological death // International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 04, 2020 ISSN: 1475-7192. Page-4105-4116. Hampstead Psychological Associates, Suite B19, 110 Gloucester Road, London, NW1 8JA. United Kingdom.
3. Шпет Г.Г. «Внутренняя форма слова: Этюды и вариации на темы Гумбольдта». — М.: ГАХН, 1927. Переизд.: Шпет Г.Г. «Внутренняя форма слова: Этюды и вариации на темы Гумбольдта». — Иваново, 2000. С. 157.
4. Штайн К.Э. «Язык как деятельность и произведение: проблема символа в статье А. Белого «Язык и мысль» (Философия языка А.А. Потебни) // Языковая деятельность: переходность и синкретизм. — М.: Ставрополь, 2001. — Вып. 7. — С. 314–318.
5. Юрченко В.С. Очерки по философии языка и философии языкознания / В.С. Юрченко. - Саратов : Изд–во Сарат. пед. ин–та, 2000. – 366 с.
6. Луман, Н. Общество общества. Часть II. Медиа коммуникации. – М.: Логос, 2005. — 280 с.
7. Т.А. ван Дейк. Язык. Познание. Коммуникация. М.: Прогресс, 1989. С. 111-160.
8. Тимофеева М. К. Язык с позиций философии, психологии, математики. –М.: Издательства: Флинта, Наука, 2009. - 176 с.
9. Юрченко В. С. Философия языка и философия языкознания. Лингвофилософские очерки. Серия: История лингвофилософской мысли. Авторский сборник. –М.: Издательство: ЛКИ, 2008. - 368 с.

10. Хоназаров Қ. Глобаллашув ва тил фалсафаси. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. – 17 б.
11. Хоназаров Қ. Глобаллашув ва тил фалсафаси. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. – 14 б.
12. Eshchanov, B., & Matyakubov, K. (2020). Using of Information and Communication Technologies in the Teaching of the School Course in General Physics. *International Journal of Scientific & Technology Research (IJSTR)*, *9*(02), 4119-4124.
13. Eshchanov, B. K., & Arzikulov, Z. K. (2020). Using information technology in the teaching of atomic physics in higher educational institutions. *International Journal of Scientific & Technology Research*, *9*(2), 6218-6222.